ХОРИЖГА ТАКЛИФ

Республика қўғирчоқ театрининг томошалари хорижий мамлакатлар кичкинтойларига ҳам ёқиб қолган. Театр шунинг учун ҳам Туркия ва Покистонда бўладиган халқаро фестивалларга янги таклифномалар олди. Бу халқаро кўриклар октябрь ва ноябрь ойларида бўлади. Ўзбек қўғирчоқ театри ўтган йили бу давлатларда "Фотима саргузаштлари", "Карвонсарой" (Буюк ипак йўли) асарларини урду ва турк тилларида намойиш этган эди.

Мунира АЗИМОВА.

АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Алматида Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор хотин-қизлар ташкилотлари вакилларининг анжумани бўлди. Унда Ўзбекистон банк-молия академияси бўлим бошлиғи Шоиста Мақсудова, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассиси Алфия Акбарова қатнашдилар. Вакилларимиз БМТ тараққиёт дастури бўйича маҳаллий аёлларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича сабоқ олдилар. Уларга анжуман сертификати берилди. Маълумотларга қараганда, минтақаларимизда аёллар тадбиркорлик билан кам шуғулланар экан.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛ ОЙИ КУН

16 ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР АВГУСТ

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Чортоқ туманидаги Қорабоғ қишлоғида Италиянинг "Гурдин" фирмаси билан ҳамкорликда ипак қурти етиштиришга ихтисослаштирилган қўшма корхона қурилиши ниҳоясига етмоқда. Агар у тўла қувват билан ишлай бошласа, нафақат вилоят ҳўжаликларини балки республикамиздаги бошқа вилоятларни ҳам юқори сифатли ипак қурти уруғлари билан таъминлаш қувватига эга бўлади. Корхонада йил бўйи 60 киши, пиллани қабул қилиш ва саралаш жараёнида эса 400 киши иш билан таъминланади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

"МУҲАББАТ ҚАСРИ" ПОКИСТОНДА ҚЎЙИЛАДИ

Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри жамоаси Покистонда ўтказиладиган халқаро фестивалда қатнашадиган бўлди. Театр жамоаси Нуруллахон ҳожи Абдуллоҳ ўғлининг "Муҳаббат қасри" тарихий драмасини ҳорижда намойиш этади. Қўқонлик санъаткорлар айни кунларда Лоҳур шаҳрида ўтажак мазкур фестивалда томошабинлар олдига чиқишини олиш учун ҳозирлик кўришмоқда. Шунингдек, "Қўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси" драмаси ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 16 август, шанба № 96 (22.180).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1996 йил 16 август — республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси ҳамда Атлантада (АҚШ) ўтказилган XXVI олимпия ўйинларида катта ютуқларга эришганликлари учун республиканинг бир гуруҳ спортчи ва спорт устозларига мукофотлар топширилди. Шу куни Тошкентдаги «Наврўз» саройида олимпиячиларни шарафлаш маросими бўлди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллий саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш, бозорнинг халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилиши учун маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, «Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернларининг:

«Маҳаллий саноат» давлат корпорациясини тугатиш;

Мавжуд «Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернлари негизида республика (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компаниялари:

«Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади ҳамда очиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилади;

ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисоб берадилар;

ўз фаолиятини қатнашчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ҳудудий компания уставига мувофиқ амалга оширадилар.

3. «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компаниялари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Компания таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва маркетинг фаолияти, моддий-хом ашё ресурсларини сотиб олиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш, шу жумладан, хорижий сармояни жалб этиш асосида қайтадан жиҳозлаш ҳамда реконструкциялаш масалаларида уларга ёрдам кўрсатиш;

харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан янада тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

тегишли минтақалар ҳудудида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш учун кичик ва ўрта корхоналарни барпо қилиш ҳамда ривожлантириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Маҳаллий саноат» ҳудудий компаниялари зиммасига юкланган вазифаларни ҳал қилишда уларга бутун чоралар билан ёрдам берсинлар.

4. «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияларига маҳаллий саноат корхоналарини тиклаш ва ривожлантириш фондларини ташкил қилишга руҳсат берилсин ва қуйидагилар уларнинг фаолиятидаги асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилсин:

Компания корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашни молиялаш;

иш жойларини вужудга келтириш ҳамда маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан тўлиқроқ фойдаланиш мақсадида қишлоқ жойларда янги корхоналар барпо этиш ва ривожлантиришни молиялаш;

маҳаллий саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфраструктурани ривожлантириш.

Қуйидагилар маҳаллий саноат корхоналарини тиклаш ва ривожлантириш фондларининг маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси таркибига кирувчи акционерлик жамиятларининг давлат акциялари пакетлари бўйича дивидендларнинг 50 фоизи;

давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг ҳокимиятлар томонидан белгиланган тартибда йўналтириладиган қисми;

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг корхона баланс фойдасининг икки фоизига қадар миқдордаги эркин фойдаси қолдиқлари ҳисобидан ажратмалари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 сентябрдаги ПФ-469-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 15 август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ «БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 82-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Тошкент шаҳри бозорларида бажарилишини ўрганиб чиқиш натижалари жойларда мазкур қарор ижроси қониқарсиз аҳволда эканини кўрсатди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва давлат мулкини бошқариш органлари бозорлар ва ярмаркалар негизида тузилган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил қилишда юзакичиликка йўл қўйганлар. Ҳиссадорлик жамиятлари номигагина тузилгани, жамият аъзоларида мулкка эгалик ҳисси уйғотилмагани сабабли аксарият бозорларда акцияларнинг 6-10 фоизигина сотилган холос.

Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва солиқ органлари ходимларининг ўз вазифаларига маъсулиятсизлик ва қатъиятсизлик билан ёндошишлари оқибатида бозорлардан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳисобкитоб ишлари қаттиқ назоратга олинмаган. Улар айрим холларда бозорлардаги моддий жавобгар шахслар билан бирлашиб кетганлар.

Бозорларда сотувчилар, деҳқонлар ва харидорлар учун қулай шароитлар яратилмаган. Маҳсулотларни улгуржи харид қилишга ихтисослашган бўлинмалар мутлақо фаолият кўрсатмаяпти. Улар томонидан маҳсулот етиштирувчилар билан шартномалар, шу жумладан фьючерс шартномалари тузиш ишлари қониқарсиз аҳволда. 1996 йилда 3231 тонна маҳсулот учун тузилган шартномалар бўйича амалда фақат 124 тонна маҳсулот олинган. Шунинг оқибатида бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи юқорилигича қолмоқда, олибсотарлар яккаҳукмрон бўлиб қолганлар.

Бозорларда порахўрлик, таъмагирлик, ғайриқонуний валюта операцияси, мансабни суиистеъмол қилиш каби ҳуқуқбузарликлар мавжуд.

Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги рўй бераётган бундай салбий ҳолатларга муросасозлик қилиб келганлар, уларга қарши амалдаги қонунлар асосида кескин чора-тадбирлар кўрмаганлар.

Санитария-эпидемиология ходимларининг масъулиятсизлиги, қатъиятсизлиги оқибатида бозорларнинг деярли барчасида санитария ҳолати талабга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳар, туманлар ҳокимликлари бу борадаги ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Шу соҳа кадрларини танлаш, жой-жойига қўйишга бефарқ муносабатда бўлганлар. Бозор тизимининг раҳбарлик лавозимларига кадрларни қўйишда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйилган.

Худди шундай аҳвол республиканинг деярли барча вилоятлар бозорларида ҳам аниқланган.

Юқоридагиларга асосан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановга Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўла таъминланмаганлиги, озиқ-овқат ва буюм бозорларини тартибга солиш, бозорларда савдони ташкил этиш, шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳа кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин ва бу масалада туман ҳокимларининг жавобгарлиги кўриб чиқилсин.

Бозорлар фаолиятини бошқаришда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун «Тошбозорсавдо» уюшмасининг раиси Ш. Абдуллаев ва шаҳардаги 11 та бозор ҳиссадорлик жамиятлари раисларининг эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганликлари инобатга олинсин.

Бир ой муддат ичида бозор тизими раҳбарлари ва масъул ходимлари фаолиятини кўриб чиқиб муносиб кадрлар ҳисобига тўлдирилсин.

2. Бош вазир ўринбосари М. Усмоновга ушбу қарорнинг бажарилишини етарли назорат қилмаганлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бозорлари фаолиятларида вужудга келган вазиятни ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Республика Прокуратураси (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (В. Чжен), Республика бош санитария врачи (Б. Ниёзматов) қарорнинг бажарилишини таъминлаш, бозорлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва турли қонунбузарликларнинг олдини олишнинг қатъий чораларини кўриб чиқиб, уларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар.

4. Республика Солиқ қўмитаси (В. Беганов)га бозорлардан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, солиқ органлари ходимларининг масъулиятини ошириш чораларини белгилаш топширилсин.

Бир ой муддат ичида бозорлар фаолиятини назорат қилувчи маҳаллий солиқ органлари ходимларининг масъулияти кўриб чиқилиб чора кўрилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда юзага келган салбий оқибатларни қисқа муддатларда бартараф қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилишини тўла таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари таъкидлансин.

6. Республика Президенти Давлат маслаҳатчилари, ташкилий-кадрлар сиёсати ва назорат инспекцияси раҳбари хизматларининг мазкур масала юзасидан тайёрланган маълумотномасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига кўриб чиқиб, тегишли чоралар белгилаш учун юборилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 15 август.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра эртага мамлакатимизда илк бор катта қўшиқ байрами ўтказилади.

* * *

«1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

* * *

«Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

* * *

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти — Сурхондарёда пахта терими бошланди.

* * *

Самарқанд вилояти кутубхонасида «Хиросима ва Нагасаки: фожиалар қайта такрорланмаслиги керак» деб номланган расмлар кўргазмаси очилди.

* * *

Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказида тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, социологлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Японияда «Дўстлик карвони» номли ёшлар марказидан бир гуруҳ вакиллар Самарқандга келишди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов куни кеча «Известия» газетаси саволларига жавоб бериб, мамлакатдаги ҳозирги аҳволга баҳо берди. У айни пайтда мамлакатда юз берган мураккаб вазият ўзгариши мумкин, деди. Бунинг учун Тожикистонда тўла тинчлик ўрнатилиши шарт. Айримлар бу йўлда ҳокимиятга интилишдек шахсий мақсадларидан воз кечишлари зарур. Кимки тинчлик йўлидан боришни истамаса, тинчлик шартномаларини амалга оширишга халақит берса, улар бизга дўст эмас, деди Президент.*

***

☑ *Кеча Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Абхазия раҳбари Владислав Ардзинба ва Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков музокараларини давом эттиришди. Музокаралар ўтган пайшанба куни 10 соат давом этган эди. Ҳудди ўша куни Грузия — Абхазия тўқнашувлари бошланганига роппа-роса беш йил тўлганди.*

***

☑ *Буэнос-Айрос шаҳрида, Аргентина миллий конгресси кутубхонасида собиқ СССРдан келтирилган беш мингдан зиёд микрофильмлаштирилган ҳужжатлар намойиши бошланди. Булар Аргентина Компартияси тарихи билан боғлиқ бўлиб, илгари Москвадаги Маркс-Энгельс-Ленин институтининг архивига яшириб қўйилган эди. Ҳужжатларни Аргентина тарихчиларига топшириш ҳақидаги музокаралар эса 1989 йилдан бери давом этарди.*

***

☑ *Яқинда Вашингтондаги Кэй-стрит кўчасидаги Фаластин озодлиги ташкилотининг ягона расмий ваколатхонаси ёпилди.*

***

☑ *Доғистонда ич терлама касаллиги билан оғриган беморлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирча ҳеч қандай қурбонлар ҳақида хабар йўқ. Бироқ, ич терлама касаллигида шубҳа қилинган 209 киши, шунингдек 69 бола касалхонага ётқизилди.*

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ



ЎЗБЕКНИНГ БОЗОРИ.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Партия ахбороти

КОТИБЛАР БОШ-ҚОШ

Бугунги кунда маънавиятга эътибор беқиёс. Жойларда маърифат марказлари ва бурчаклари ташкил қилиш жараёни тезкор бормоқда. Бу билан халқ оммасини истиқлол юзага келтирган янгича мафкурадан баҳраманд этиш, маърифатли ва маданиятли қилиб тарбиялашнинг ўзига хос имконлари яратиляпти.

Шовот туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги ана шу соҳада намунали. Хўжалик ҳудудидаги барча кўрсаткичлар, паннолар янги ўзбек алифбосида қайта ёзилди. Хўжаликда жойлашган мактаб, боғча, даволаш маскани ва бошқа жамоат жойларида маънавият бурчаклари ташкил қилинди. Хўжалик бошқаруви идораси бу борада асосий ташвиқот марказига айланган. Хўжалик партия ташкилоти котиби ишхонасига кирсангиз, бамисоли тарғибот-ташвиқот марказига кириб қолгандай таассурот оласиз.

ХДП Хоразм вилоят ташкилотининг маънавият масалаларига бағишланган семинар-кенгаши худди шу хўжаликда бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Семинарда барча туманлар партия котиблари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар ва хўжаликда шу борада амалга оширилган ишлар кўлами билан яқиндан танишиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашишди. Унчалик кўп маблағ талаб қилмайдиган, фақат ташаббускорлик ва ҳафсала талаб қилинадиган бу ишларни вилоятнинг ҳар бир тумани, ҳар бир хўжалиги ва ташкилотида бажариш мумкинлиги борасида яхши сабоқ олинди. Тажриба ўрганилди.

Семинар бу борада ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Семинарда Узбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов қатнашди.

Рўзимбой ҲАСАН.

МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

(Иккинчи мақола)

Маориф ва ислоҳот

Таълим соҳасидаги энг асосий масала — ўқитувчи кадрлар қўнимсизлиги муаммосидир. Ўтган йиллар давомида минглаб ўқитувчилар мактабларни ташлаб кетдилар. Ҳозир фақат Тошкент шаҳар мактаблари учун уч мингга яқин ўқитувчи етишмайди. Вилоятлардаги аҳволни чуқур таҳлил қилиш зарур. Ҳозирги кунда мактабларда педагогликка алоқаси бўлмаган кишилар дарс бермоқда. Техника университети, Тўқимачилик институти, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Маданият институти ва бошқа ўқув юртларини битирган кишилар Ўзбекистон халқ таълими ихтиёридаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти хўжалик ҳисобидаги курсларни пул тўлаш шарти билан бир ойда битириб, ўқитувчи гувоҳномасини олиб, мактабларда ишламоқдалар. Улар шароит зарурияти учун ишласинлар, лекин педагогика, психология, методика, умуман таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари ҳақида маълумотга эга эмаслар. Келажаги буюк давлатимиз фарзандларимизни кимларга топшириб қўйдик? Нега энг тажрибали ўқитувчиларимиз мактабни ташлаб кетмоқда, кўпроқ даромадли ишларни қидирмоқда? Бунинг сири ҳаммамизга аён. Галдаги вазифа ўқитувчиларни маънавий ва иқтисодий ҳимоя қилишдан иборат.

Таълим-тарбия ишини яхшилаш учун педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш, талабни кучайтириш керак, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Тўғри, аттестациядан ўтказиш учун педагог ўқитувчи нима билишни, нимани ўрганиши лозим? Аввало, шундай қўлланмани тайёрлаш, сўнг уларни қайта тайёрловдан ўтказиш керак-ку.

Японияда 120 миллион киши яшайди, халқ таълимини битта вазирлик бошқаради, ҳатто маданият ишларига ҳам шу битта вазирлик раҳбарлик қилади. Бизда ҳам маориф ишларини битта вазирлик бошқарса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса ўз ўрнида таълим бошқаруви органлари муассасалари, ўқув юртлари раҳбарларидан ташкилотчилик ва тадбиркорлик, юқори билим ва юксак маданият эгаси бўлишни талаб этади. Лекин улар фаолиятлари давомида жуда кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

— таълим бошқарувининг назарий асослари тўғрисида суст билимга эга эканликлари;

— таълим-тарбия бошқарувининг самарасизлиги;

— мактаб бошқарувида инсон омилини ҳисобга олмаслик;

— қоғозбозлик ва буйруқбозликка асосланган услубнинг сақланаётганлиги;

— таълим раҳбарлари ўртасидаги иш тақсимотининг амалда яхши ишламаётганлиги;

— малака ошириш масалаларига эътиборсизлик;

— кадрлар қўнимсизлиги;

— вақтдан илмий асосда унумли фойдаланмаслик ва ҳоказо.

Ҳар икки вазирлик ихтиёрида педагогик илмий-тадқиқот институтлари, илмий кенгашлари, таълим марказлари ишлаб турибди. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек «Олимлар ўз билганича ишлаяптилар. Лекин бундай тарқоқ тадқиқотлар самарасиз бўлиши тайин».

Ҳар икки вазирликдаги илмий-методик таълим муассасаларини бирлаштириш, марказлаштириш Ўзбекистон Республикаси Педагогика Фанлари Академиясини ташкил этиш замон талабидир. Фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланма ва тавсияномаларни ҳам олимларимиз ўз билганича тайёрламоқдалар. Педагогларга илмий даражалар бериш ҳам тарқоқ ҳолда. Қайси илмий кенгаш қайси мавзуни режалаштирса, ўша мавзуда диссертациялар тайёрланади ва ўша кенгашда ҳимоя қилиши ҳам мумкин. Агар Ўзбекистон Педагогика Фанлари Академияси ташкил этилса, ҳамма илмий, методик ишлар марказлашган ҳолда режалаштирилади.

Республикамизда педагоглар ва раҳбар ходимлар малакасини оширишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун Олий педагогика институти билан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институтини бирлаштириш, республикада олий ва ўрта махсус таълим профессор-ўқитувчилари, маориф раҳбар ходимларининг малакасини оширишни марказлаштириш мақсадга мувофиқдир. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига аниқ режалар асосида марказ раҳбарлик қилади ва бошқаради. Лекин умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтказишга эътиборни ошириш галдаги вазифадир. Мактаб ўқитувчиларини бир ой малакасини ошириш жараёнида анчагина қийинчиликлар, муаммолар бор. Республикамиз аҳолисининг ўзига хос хусусиятлар, оила ҳаёти, оилада болаларнинг кўплиги ва бошқа сабабларга кўра айрим мактаб ўқитувчилари ўн йиллаб малакасини оширолмайди. Улар учун малака оширишнинг самарали усулидан фойдаланган яхши. Бу борада Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида фан ўқитувчиларини ҳафтада бир кун уларнинг методик кунида чақириб 6-8 соатдан 156 соатга мўлжалланган режа асосида бир йил маъруза ўқийдилар, семинар ва амалий машғулотлар ўтказадилар, бу самарали йўлдир.

Ҳозирги халқ таълими тизимида текшириш, камчиликни қидириш, жазолашга кўпроқ фикр қаратилади. Аксинча маориф тизимида таълим-тарбия ишларини ривожлантиришга қаратилган юксак фикрлар билан йўл-йўриқ кўрсатиш, иш самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш, хато-камчиликларни учраган жойда бартараф этиш, уни маълумотномалар ёзиб, кўтариб юрмаслик, қоғоз билан ишлаш эмас, одамлар билан ишлаш раҳбарлик фаолиятининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганимизда, республикамизда таълим ишини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ишлаш буюк давлат қурилишининг асосий омили ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг обрўйини ошириш жуда зарурдир.

Президентимиз Ислом Каримов: «Ўқитувчилар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак» деганларида нақадар ҳақ бўлганини унутмаслигимиз керак.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ТЎЙИМЛИ ВА МАЗАЛИ ЁҒ

ФАРҒОНА. *Республикада хизмат кўрсатган рационализатор Юсуфбек Ёқубов кўп йиллардан бери перко ўсимлигидан сифатли ёғ олиш устида изланишлар олиб борарди. «Соҳибкор» жамоа хўжалиги ҳамда «Қўқонёғ» ҳиссадорлик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида перкодан сифатли истеъмол мойи олишга эришилди. Рапс ва корейс карами уруғи чатишмаси ҳисобланган перко ўсимлигидан соянникидан 2,5 барвар кўп ёғ олиш мумкин экан. Республика Фанлар академияси ўсимлик ёғи илмий текшириш институти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари янги ёғни истеъмол қилиш ва кўплаб ишлаб чиқаришга рухсат этди.*

Алишер ИБОДИНОВ.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ХОСИЯТИ

НУКУС. *Хўжайли деҳқон бозорига кираверишда «Адраспан» яъни исириқ деб аталган дорихонага кўзингиз тушади. Бу дорихона икки йил аввал Ойша Тўракеева томонидан хусусийлаштирилган эди. Ҳозир бу ерда ҳар хил дори-дармонлар топилади. Олис овуллардан, ферма ва хўжаликлардан келаётганларнинг ҳам ҳожатлари чиқарилмоқда. «Тошкент, Қозоғистон, Россия ва бошқа жойлардан саломатлик учун зарур дори-дармонларни шартнома асосида олиб келмоқдамиз», — дейди аптека мудираси Ойша Тўракеева.*

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ГУЛГА ЎРАЛГАН СЎЗ

(БАДИА)

Кафтимдек каштанинг не синоати борки, билолмай доғдаман. Мендан илгари ҳам не-не дўппидўзу зардўзлар бу мўъжизанинг сирини билолмай, ожизланиб ўтдилар. Қатимлари орасига беркинган сўзларни ўзини энг илмдор санаган аёллар ҳам излай-излай тополмадилар, жилоларини, рангларини тафсир этолмай, ўқиёлмай армонда кетдилар. Кимдир нақш деди, кимдир қуббали гумбазларга ўхшатди, кимдир ёзув деб ҳаммани иншонтирди, ҳижжаладилар, ҳижжаладилар, аммо яна ўқий олмадилар. Битта аёл бу иншоларни гулга ўралган сўз, деди.

* * *

Ризвонбиби эди суврат-даю сийратда мукаммал, тўкис. Чирой-чимматига, бебаҳо ҳунарига таҳсин айтувчилар сочининг толасидек кўп эди. Эшигидан харидорлар узилмасди. Саватларда кунжут патирлар, мис товоқларда новвоту шиннилар келарди. Хизматкор хотин хат узатарди. «Бир камзул тикинг каштали, тизза баробар, бир ҳуснга юз ҳусн қўшсин. Кўйлаги эса ердан уч энлик баланд бўлсин, ёқасига ҳақиқ тошдан еттита тугма қаданг — биласиз, бошим оғрийдир. Буларнинг ҳақига сўраганингизни муҳайё қилай. Пошшобегим.»

Ризвонбиби ойдинда ухламади. Матонинг орқасига қасқон[1] қўйволиб, қўлларидан мадор кетгунча игна-ипагини тиндирмади. Хиноли бармоқларининг ҳаракатларидан бетакрор муқомлар содир бўлаверди.

— Ризвон, бунча бойвуччаларга хизмат қилиб ҳаволандинг, мундоқ биз томонгаям қайрилсангчи, — ҳасад қўшилган ҳаваслариии ошкор айладилар хотинлар.

Ора-сирада уларнинг ҳожатини чиқаришга ҳам киришарди бу гўзал ҳунарнинг узангисидан тортган аёл.

Ғазна ипда каштали камзул-кўйлаклар, шоҳи сўзаналар, чорси-қийиқлар тикарди, қизларнинг дўппиларига қашқаргулнинг нақ ҳақиқийсини ўрнатибгина қўярди. Буни кўриб: «Ҳай-ҳай, Ризвон, Яратганнинг тортиғига шукр айт, шукр» дея тилланишарди дуогўйлар...

* * *

Бир куни бу ҳунарманд аёлга ўша кўҳна каштани олиб келишди.

— Истеъдодингни кўрсат, қизим, тағин бир чеккада хижолат чекиб қолмай, манавидан андоза ол, — деди онаси.

Ризвонбиби нусха кўчира бошлаганда йил боши эди, тугатганида ўн биринчи ой охирлади. Бармоқларининг учи тивит-тивит бўп кетди, мижжалари қизариб, кўзи хиралашди. Афсуски, каштани аслига ўхшатолмади. Ранглари ўзга, гуллари бир-бирига бегона, ҳатто гул ичидаги нуқталарни ҳам айнан ўзи деб бўлмасди.

— Сенки уддаламадинг, бошқасига йўл борми?!

— Хуноб бўлманг, даврақашларимни уйимизга етаклаб келаман!

Ризвонбиби айвонида ўн даврақаш (атлас тўқиладиган ипакни аёллар давра қуриб тартибга келтиради, яъни дастгоҳга мослайди) ўтириб олиб, бутун нигоҳларини каштага жамлаб нусха кўчирдилар.

Барибир ўхшамади. Атлас ипагига ранг пурковчи аёл Ҳадябону хил-хил ранглар танлаб берди, қани улар каштанинг рангига уйқашиб кетса! Бесаноқ шамлар ёниб-ёниб тугади. Тошфонарнинг ёнилгиси адоғ бўлди.

— Нур қўшиб тикилган дедим, — сўзланди Ризвонбиби. — Бўлмаса, нимага сеҳрли? Нимага гулини ёдлай олмай, ўн бир марта адашдик?

Аёллар лолликдан уятга қолдилар.

Оқ, қоғозларнинг бети қораланди, қорайди:

Огоҳ айла, бу нақшнинг не сиру асрори бор?

Лутфу атойинг берган ё ажиб талъати бор?

Ё шамнинг ёқилғони — охират аҳволи бор?

Ва ё тунда битилган ошиқларинг байти бор?!

* * *

ФОТИМА ОНА ҲИКОЯСИ:

...»Қай замон эдийкин, эслолмайман. Аммолекин шовқин замон эди, эл-улус ичига номусулмон одамлар оралаб қолганди.

Охори тўкилсада, аммо четига тикилган каштаси таркисанобарини йўқотмаган яктак эгаси — отам Каъбани зиёрат қилмоқни ихтиёр этди.

— Шуни кийиб кетинг, — дедилар бувим яктакни отамнинг қўлига тутқазиб, — қайтиб келсангиз табаррук бўлиб қоларди...

Кетар чоғи отам яктагининг каштали қирғоғидан чирт узиб бувимга берди.

— Шуни асра, қайтмасам...

Валийсифат отам Маккатуллодан қайтмади. Бувимнинг туш кўриб, айтган таъбирича, отам Ҳаж зиёратидан сўнг оғир бетобланиб, ўша ёқларда вафот этганмиш. Яктагидаги каштадан эса бир тўп аёллар нусха кўчираётган эмишлар.

Бувим тушларини айтишдан зерикмади. Бошпаноҳини эслай-эслай, кичрайди. Қийқимни гоҳ тахмонига, гоҳ бўғчаларига яшириб, гоҳ кўксига тумордай тақиб, мунғайди. Охир каштани менга бериб, бу дунёга қўл силкидию, кетди.

Отамнинг икки ботмонлик ери бўларди. Ҳаётлигида ўша ерга ниҳоллар экканди. Катта-катта олмазорлар пайдо бўлди, шохлари ларзон шафтолилар кексайиб, синиб, янги шафтоли дарахтларига тиргак бўлишди. Лекин отамдан хабар топмадик. Энди у боққа борсам кўнглим бузилиб кетади. Баҳор бўлибдики, болаларим қийин-қистовга олади: «Биз билан юринг, она, юрагингизни ёзиб келасиз...».

Бир кун хўп дедим, боққа бордим. Бирам боғ бўптики, қайтиб чиққиси келмайди одамнинг. Ўтган кунлар эсимга тушаверади, тушаверади. Боғнинг қай томонларидандир отам билан бувимнинг овози эшитилгандек туюлади, кўзимдан сизиб-сизиб ёш чиқаверади.

Хаёл билан бўлиб боғнинг ниҳоясига етиб қолибман. Шўрланган ерга қарасам, гуж-гуж ёввойи гуллар ўсиб ётибди. Тўхтаб, тикилиб қолдим уларга. Во ажабо, бу гуллар бунчалар жудажуда таниш-а! Қадрдон-а! Яна, жилвагар, рангинлигини айтинг! Қачон, қаерда кўрувдим бу гулларни — шу сир кечди кўзимни юмиб очгунимча. Кўксимга қадаб олган қийқимни кафтларимга энтикиб олдим, кейин уни ёввойи гуллар шохига илдим: баайни шу гул, баайни шу ранг! Бир нуқтаси ҳам бегона эмас! Ўша топда ёлғиз Яратганнинг аён бу мўъжиза қаршисида забоним гунг эди. Хаёлимдан бир гап ўти-иб борарди: «Тавба, тавбаларей, Парвардигоримнинг ўзи чевар-да! Бу-ку гул экан, агар истаса бандасиниям бир-бирига чўнаб-чоғлаб, ўхшатиб қўяди!»

Ўша-ўша уйқум қочган, аслимни ўйлайман, охиратимни ўйлайман. Кашта гулининг аксини кўрдим-ку, энди ичидаги сўзиниям ўқиб-ўрганиб, кейин кетармикинман, деб бесаранжом бўламан.

* * *

...Бир уй аёл Фотима она ҳикоясидан сўнг анча муддатгача зору-заиф ҳолатда ўтирдилар. Ризвонбиби эса шу лаҳзаларда қатимлар орасига яшириб-яшириб қўйган сирларини йиғлаб-бўзлаб ошкор этгиси, кўзларининг нурини сидириб олаётган игна-ипагини топиб бўлмас томонларга отиб юбориб, каштали либос кийган, тилла туморлар таққан аёлларни фақат тан ва жон парваришидан бўлак нарсага ярамай қолганликларини юзларига айтиб-айтиб олгиси келарди....

Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

1. Қасқон — матони тутиб турувчи мослама.

Миллат ва маънавият

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

Нон барча неъматларнинг султони, халқимизнинг беназир ризқи рўзидир. Шунинг учун ҳам уни кексаю ёш муқаддас билади. Ғаллани нобуд қилиш, талон-торож қилиш эса гуноҳи азим ҳисобланади. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш борасида Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги идоралари кенг қуламда иш олиб боришмоқда. Натижада халқ ризқини қийишдан тап тортмаётган, ўроқда ҳам, машоқда ҳам бўлмай, хирмонга кўз олайтираётган айрим кимсалар қилмишига яраша жазо олмоқда.

— Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, — дейди республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори Ғ. Шукуров. — Ғаллани талон-торож қилганлар орасида онда-сонда бўлса-да, раҳбарлар ҳам учраб турибди. Жумладан, Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳокимининг ўринбосари Э. Эрназаров 7900 килограмм буғдойнинг ҳар килограмми 13 сўм 30 тийиндан харид қилинди, деган сохта ҳужжат тўғрилаб, ҳайдовчи Ш. Эргашев бошқарувидаги «КаМАЗ» автомашинасида Кармана шаҳрига йўл олганида ҳуқуқ - тартибот ходимлари томонидан тўхтатилди. Раҳбарнинг уйи текширилганда эса яна 3 тонна 390 килограмм буғдой борлиги аниқланди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» жамоа хўжалиги бўлим бошқарувчиси Р. Валиев ўн бир тоннага яқин донни Хоразм вилояти Янгибозор туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи А. Хотамовга 120 минг сўмга пуллаётганда қўлга олинди.

Шофиркон туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги омбор мудири Н. Ҳидоятов омбор тўла дон бўлса, қанча ўмарганингни ким биларди, деган хом хаёл билан унинг уч тоннасини таниши Н. Ориповнинг уйига яшириб қўйди. Аммо Н. Ҳидоятовнинг бу иши тезда ошкор бўлди. Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани «Қўхитанг» жамоа хўжалигидаги «Янгиер» ширкатлар уюшмаси раиси О. Бойматов ҳам омбор мудири Х. Жабборов билан тил бириктириб, 2600 килограмм ғаллани Қумқўрғон туманида яшовчи танишига 40 минг сўмга пуллаётганда қўлга тушди.

Республика Прокуратураси маълумотларига қараганда, шу кунгача ғалла талон-торож қилиниши бўйича 70 дан зиёд жиноий иш қўзғатилган. Бундай ҳолатлар Самарқанд, Навоий, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари хўжаликларида кўпроқ содир этилган.

Қаерда назорат бўшаштирилиб, масъулият унутилса, ўша ерда жиноят содир бўлади.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ.

СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ: ҲАКАМЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

ТАМҒА

Ўзбек журналистикаси мустақилликдан кейин янги пойдевор асосида таркиб топди. Илгари у совет журналистикасининг таркибий қисми эди. Баъзан ўзимизга эрк бериб «ўзбек совет журналистикаси» деб ҳам атар эдик. Унинг ўзига хос мактаби бор эди. Бу мактаб бизга шундай «пухта» дарс берган эдики, нима ёзмасликни, нимани гапирмасликни, нимани эшитмасликни, нимани кўрмасликни яхши билардик. Яъни «Озодлик» ёки «БИ-БИ-СИ»ни эшитиш, диний эътиқод ҳақида ёзиш, мусулмон олами ва капитализм дунёси ҳақида ижобий фикр айтиш мумкин эмаслигини, бу қоидага амал қилмасак, бошимизга не-не ташвишлар тушишини яхши билардик. Агар Тошкентга капиталистик дунёдан бирорта мухбир келса, гўё осмондан сирли ликопча тушганидек, афсонага айланиб кетарди. Газеталарнинг бутун бир саҳифалари эса ТАССнинг хориждан олинган хабарлари билан тўлиқ чиқарди.

Мустақилликнинг шарофати билан энди вазият ўзгарди. Тошкентда кўплаб хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ишлаб турибди. Жумладан, «Озодлик» ўзининг бўлимини очди, «БИ-БИ-СИ» Ўзбекистон учун ўрта тўлқинда эшиттириш бера бошлади. «Немис тўлқини»ни ҳар куни баралла эшитиб турибмиз. Бир пайтлар сиз билан бизга бошқа сайёрадан келган мавжудоддек туюлган чет эл газеталарининг серсоқол ёки калта шим кийган мовий кўз мухбирлари бугун ўзбекистонлик ҳамкасблари билан қадрдонлардек мулоқот қилишяпти. Газеталаримизда ҳаётимиздаги барча муаммолар тўғрисида очиқ ёзиляпти. Бутун бир саҳифалар жаҳондаги йирик ахборот агентликларининг янгиликлари, интернет хабарлари ва маҳаллий журналистларнинг шарҳлари билан тўлиб чиқяпти. Ташқи сиёсат ва халқаро воқеалар Ўзбекистон телевидениесида етакчи мавзу бўлиб қолди. Ўзбекистон радиосини мамлакатда матбуот эркинлигининг ташаббускори дейиш мумкин.

Ўзбек журналистикаси ана шу тарзда шаклланиб, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги Ўзбекистонда ана шу тарзда ривожланиб боряпти. Буни кўра била туриб кўрмасликка олиш инсофдан эмас. Шарқона одоб-андишани қўрқоқлик белгиси ва сўз эркинлигини бўғиш деб баҳолаш тўғрилик аломати эмас. Олдинги совет журналистикасига босилган тамғани ҳозирги ўзбек журналистикасига босиш виждон иши эмас. Лекин, афсуски...

ЎЗЛИКНИ УНУТИШГА ДАЪВАТ

Дунё яратилибдики, инсонлар, тўзумлар, мафкуралар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд. Бу ҳолат асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Одатда, қарама-қарши томонлар ҳамиша ўзларини ҳақ деб ҳисоблайдилар ва ҳақиқатни белгилайдиган ҳеч қандай мезонни тан олмайдилар.

Бугина эмас. Дунёни бошқариш жиловини қўлга олишга умидвор кучлар ҳам ҳеч қандай мезон билан ҳисоблашмай, мутлақ ҳақликка даъво қилиб келишган. Илгари собиқ СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ана шундай ҳақиқатга даъвогарлик асосида қурилган бўлиб, қарама-қарши томонларнинг хатти-ҳаракатлари «совуқ уруш» даражасига бориб етган эди. Яъни, АҚШ учун нима яхши бўлса собиқ СССР учун бу нарса ёмон эди, ёки аксинча, собиқ СССР учун нима яхши бўлса, АҚШ учун бу нарса ёмон эди. Қарама-қарши томонлар бундан бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилишмасди. Тарғибот-ташвиқот ишлари ана шундай муносабатдан келиб чиқиб олиб бориларди. Бунда ҳар иккала томон ҳам оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучидан жуда усталик билан фойдаланар эди.

Ҳозир катта давлатлар ва мафкуралашган ижтимоий тузумлар ўртасида «совуқ уруш» муносабатлари йўқ. Бироқ дунёни бошқариш жиловини қўлга олишга умидвор кучлар бор. Улар асосан ғарб оламида фаолият кўрсатишади ва дунё халқларининг тақдирларини ўзлари ишлаб чиққан мезонлар асосида белгилаб беришга даъвогарлик қилишади. Яъни, ер юзидаги барча халқларга ғарбча турмуш тарзини ва ғарбча ҳақиқат меъёрларини тиқиштиришади. Уларни қабул қилмаган халқлар ва давлатларга нисбатан камситиш чора-тадбирлари қўлланилади. Жаҳон тараққиётининг даражаси улар ишлаб чиққан мезонлар билан белгиланармиш. Баъзан беихтиёр: «Жаноблар, бундан юз йиллар, минг йиллар олдин дунёнинг илм-фан, маънавият, тараққиёт бешигини тебратган бизнинг бобокалонларимиз ҳам сизнинг ғарбча ҳаёт мезонларингиз билан яшаганми?» деб юборгинг келади.

Гап инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, ҳақиқатни ёзиш ва гапириш ҳақидаги даъволар ҳақида боряпти. Биз мустақилликка эришибмизки, ана шундай даъволардан қутила олмаяпмиз. Битта масалани — матбуот эркинлигини олайлик. Ўзбекистонда бу борада қандай ижобий ўзгаришлар юз бераётган бўлса, ғарбда бунинг тескариси талқин қилинади. Ўзбек матбуотини фақат қора бўёқларда тасвирлаш баъзи аламзада ҳамкасблар учун синов имтиҳони ёки тирикчилик манбаи бўлиб қолди. Ҳозир хориждаги «Озодлик», «БИ-БИ-СИ» радиолари ва бошқа баъзи оммавий ахборот воситаларида ўзбекистонлик ёш журналистлар шартнома асосида ишлашяпти. Улар ўзбек матбуотини қай даражада танқид қила билишларига ва Ўзбекистондаги камчиликларни қай даражада аниқлай билишларига қараб «демократия ва сўз эркинлиги» синовидан ўтишяпти. Баъзи тажрибасиз ҳамкасблар хорижда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқиб, ўзбек матбуотига тамға босишда ўзаро рақобатлашмоқдалар.

Ғарбдаги ҳамкасблар «сопини ўзидан чиқариш»да жуда устаси фаранг бўлиб кетишган. Ўзбекистондаги камчиликларни ўзбекларнинг оғзидан эшитишни хоҳлашади. Агар маълумот «тасдиқланмаса» ёш журналистдан воз кечиб қўя қолишади, агар у «сувда чўкмай» шов-шувга сабаб бўладиган маълумотни топса, энди уни «ўтда куйиш»да синовдан ўтишга даъват этиб кўришади. Қандай қилиб бўлмасин, буюртмачи босилган тамғадан сиёсий наф олиши керак. Ана шу мақсадда «БИ-БИ-СИ» ва «Озодлик» радиолари 1997 йил бошидан бери Ўзбекистонда матбуот эркинлиги йўқлиги ва цензура масаласида тинимсиз равишда мунозара ўтказиб келишяпти. Бу мунозаралар кўпинча бировларнинг латифанома ҳикояларини сўзлаб беришдан иборат бўлиб қоляпти ва бачкана тус оляпти. Баъзан эса журналистлар касб одоби доирасидан чиқиб кетишмоқда. Мана бу жумлага эътибор беринг-а: «Ҳукуматнинг эркин матбуотни рағбатлантириш ҳақидаги баёнотларини юмшоқ қилиб шубҳали, кескин қилиб эса, иккиюзлама дейиш мумкин» («Озодлик» радиоси, 1997 йил 24 июль). Бу фикр ким ёки қайси ташкилот томонидан айтилганлигидан қатъи назар Ўзбекистон ҳукумати ўтказиб келаётган сиёсатга ҳакамлик руҳида баҳо бериш ва андишасизликдир.

Негадир бу радио Россияда чиқаётган нашрлар, хусусан, рус матбуоти Ўзбекистонда кенг тарқатилмаётганлигидан ташвишда, шунингдек, радиоэшиттиришлар ҳамда телекўрсатувлар ҳажми қисқарганлигидан норози. Баъзан тингловчи бу радионинг аҳ мақсадини англаб етмайди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидаги нималарни тарғиб қилаётганлигини кўра-била туриб, уларнинг ноғорасига ўйнашдан кўзланган мақсад нима?

«Хьюмен райтс вотч» ташкилоти Ўзбекистонда матбуот эркинлигининг аҳволи ҳақидаги ўз ҳисоботига қандай йўллар билан маълумот тўплаганлигини билмайман-у, аммо бу ташкилот Россия матбуотининг Ўзбекистонда тўлиқ тарқатилмаётгани учун безовта бўлаётганлигидан шубҳаланиб қолдим. Бу ташкилотнинг «Озодлик» радиоси орқали ўқилган бир ҳужжатида «Ўзбекистон жамоатчилигининг барча матбуот манбалари, хусусан, русия нашрлари ва электрон ахборот воситаларидан эркин равишда фойдаланишларига имкон яратишга даъват этилади. Нега айнан Россия матбуотидан? Нега АҚШ ёки Миср, айтайлик, Туркия ёки Германия матбуотидан эмас? Эҳтимол Россиянинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилинаётган миллатчилик ва буюкдавлатчилик руҳидаги материаллар Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқаришга таъсир кўрсатишидан кимлардир манфаатдордир.

«Хьюмен райтс вотч» бизни «ҳар бир фуқаро ўз фикрини очиқ ифода этиш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак»лигига даъват этар экан, бу жиҳатдан у юз фоиз ҳақ. Бироқ унинг «бу ҳуқуқ чегараларга қарамасдан **ҳар қандай** маълумот ва **ғояни эркин равишда** излаш, қабул қилиш ҳамда уни оғзаки ёки ёзма, санъат ва бошқа шаклда хоҳишига кўра, **исталган оммавий ахборот воситаларида тарқатиш** ҳуқуқини ўз ичига олиши» ҳақидаги шартлари ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Бизнинг шарқона маънавият мезонлари асосида яшаётган халқимиз ёт мафкурани, ҳаёсизликни, ғарбча индивидуализмни қабул қила олармикан? Ёки, матбуотимизда яна коммунистик мафкурани тарғиб қилайликми? Эҳтимол Ўзбекистон деб аталган мустақил давлатда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситаларидаги турли бузғунчилик ғоялари кенг тарғиб қилиниши учун имконият яратишимиз зарурдир? «Озодлик» радиоси ҳам, «Хьюмен райтс вотч» ҳам бизни шунга даъват этаяпти. Айтингларчи, жаноблар, унда миллий мафкура, Ватан ва миллат шаъни, эртанги кунимиз нима бўлади? Яна ўзлигимизни унутиб, манқуртлик йўлига қайтайликми? Тамға босиш осон, идрок этиш қийин. Бошқа миллат, бошқа давлат, бошқа маънавиятга тамға босишдан аввал ўша миллат, ўша давлат, ўша маънавият жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасининг моҳиятини англаб етиш ва салмоғини ўлчаб кўриш зарур!

НАФРАТСИЗ ТУПУРИШ

Маҳалладаги болалар ҳаётининг ўзига хос қонуниятлари бор. Уришқоқлар ва қўрқоқлар ўртасидаги зиддиятни доим кескинлаштириб турувчи уриштирувчилар, яъни бузғунчилар бўлади. Улар ҳамиша жанжал чиқаришда ташаббускор бўлишади ва бу ишни катталарнинг қимор ўйинидек хуш кўришади.

Болалар тўпланган жойда мана бундай манзарани кузатгансиз:

— Собир, сен Абдулладан қўрқасанми?

— Йўқ, — дейди шубҳасиз Собир.

— Қўрқасан, қўрқмасанг қани бир мушт туширчи?! — гиж-гижлайди бузғунчи.

Собир ўзининг қўрқмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади, лекин дастлаб тортиниб, иккиланиб туради.

Бузғунчи эса олов пуркайди:

— Латта, лапашанг, ким айтади сени ўғил бола деб...

Бундай камситишга дош беролмаган Собир Абдуллага бир мушт туширади.

— Маладес! — дейди бузғунчи жанжалдан руҳланиб.

